Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
23 февраль
ЧОРШАНБА

№ 16
(12.340)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

Вилоят ҳаёти

КОРЕЯ КАРДИОЛОГЛАРИ ВИЛОЯТИМИЗДА

Жанубий Корея Республикасининг Сеул университети кардиолог олимлари вилоятимиз шаҳар ва туманларида бўлиб, туғма юрак нуқсони бор болаларни тиббий кўрикдан ўтказишди.

Улар орасидан жарроҳлик амалиёти ёрдамида даволаш имконияти бўлган 15 бола танлаб олинди. Бу беморлар март ойи ўрталарида даволаниш учун Кореяга юборилади.

Абдулла ФАЙЗИЕВ.

ЗАНГИОТА ТУМАНИ

ЎЗАРО ФИКР АЛМАШДИЛАР

Тумандаги ижтимоий-иқтисодий коллежда Янгийўл, Чиноз, Зангиота тумани диний-ахлоқий ва тарбиявий ишлар бўйича маслаҳатчилар учун ўқув-семинар ўтказилди.

Тадбирда маслаҳатчилар аҳоли ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ёшлар ўртасида жиноятчилик ва гиёҳвандликка қарши кураш, диний экстремистик оқимларнинг зарари, соғлом оила ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Шохруҳ ҲАКИМОВ.

ПИСКЕНТ ТУМАНИ

ФАРЗАНДЛАР КЕЛАЖАГИ УЧУН МАСЪУЛМИЗ

Тумандаги 1-мактабда ЎзМТДП вилоят кенгаши ижроия қўмитаси туман кенгаши ташаббуси ҳамда туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда "Фарзандлар келажаги учун масъулмиз" мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Тадбирда ЎзМТДП фаоллари, туман ҳокимлиги ва ИИБ ходимлари, мактаб маъмурияти, шифокорлар ҳамда ўқувчиларнинг ота-оналари иштирок этишди.

Семинар-тренингда фарзанд таълим-тарбияси билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Ўз мухбиримиз.

ЮҚОРИЧИРЧИҚ ТУМАНИ

ДАРДНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН МАЪҚУЛ

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими мутахассислари қишлоқ фуқаролар йиғинларида бўлиб, 500 га яқин аҳолини тиббий кўрикдан ўтказишди. Уйда ётиб қолган йигирмадан зиёд кекса аёллар ҳолидан хабар олиниб, дори-дармон ва совғалар улашилди.

Касаллик аниқланган фуқароларга шифохоналарда даволаниш учун йўлланма ҳамда зарур дори воситалари берилди. Шунингдек, Янгибозор шаҳарчасидаги педагогика коллежида 100 дан зиёд қизлар тиббий-кўрикдан ўтказилди ва репродуктив саломатлик ҳақида тушунча берилди.

Файзулла САИДОВ.

2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

МАҲСУЛОТИ СИФАТЛИ ВА АРЗОН

Тадбиркорларга берилаётган имтиёз ва имкониятлар, кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор натижасида чекка қишлоқларда ҳам кичик корхоналар кўпаймоқда.

Юқоричирчиқ туманида айни пайтда мингдан зиёд тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йилнинг ўзида туман тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси 300 дан ортиқ тадбиркорнинг ҳужжатларини расмийлаштириб берди. Уларга тижорат банклари 3,3 миллиард сўм кредит ажратди. 300 иш ўрнига эга "Соле Текстил", 60 иш ўрнили "Алиф Грант Корпорейшен" масъулияти чекланган жамиятлари ва бошқа корхоналар барқарор ишлаб турибди.

Тумандаги "Техэнергореммаш" масъулияти чекланган жамиятида замонавий технологиялар асосида трансформаторлар ишлаб чиқариш ва уларни таъмирлаш билан йигирмага яқин ишчи шуғулланаётир.

– Қисқа вақт ичида замонавий технология асосида икки миллиард сўмликдан ортиқ хизматлар кўрсатилди, – дейди корхона раҳбари Алишер Шокиров. – Корхонамиз 55 миллион сўмлик замонавий Россия технологияси билан жиҳозланган. Сифатли, аҳоли ва корхоналар учун мақбул нархлардаги маҳсулотларимиз тобора харидоргир бўлиб бораётир. Келажакда корхона фаолиятини кенгайтириб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқчимиз.

СУРАТДА: корхона йиғув цехи усталари Рустам Пўлатов, Руслан Латипов, Баҳром Икромов иш пайтида.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 22 февраль куни Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Туркманистон қўшма комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, нефть-газ, ёқилғи-энергетика, тиббиёт, савдо-саноат, сармоя, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари, сайёҳлик, божхона, машинасозлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси Э. Ғаниев Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги муносабатлар сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар каби кўплаб соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарлари – Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедовнинг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзаро муносабатларни ривожлантиришдан Ўзбекистон ҳам, Туркманистон ҳам бирдек манфаатдор. Мунтазам равишда олий даражадаги учрашувлар ўтказиб келинаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Бугунги кунда ўзаро алоқалар икки мамлакат ўртасида имзоланган Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома асосида тараққий этмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш учун улкан имкониятлар мавжуд. Хусусан, иқтисодий ҳамкорликнинг кўлами кенг. Ўзбекистонда ҳам, Туркманистонда ҳам нефть-газ саноати юқори сурьатда ривожланиб, хорижий сармоядорлар билан ёқилғи-энергетика мажмуи соҳасидаги алоқалар кўлами кенгаймоқда.

Ўзбекистон ва Туркманистон халқаро транзит юк ташиш борасида катта имкониятларга эга. Бу соҳадаги амалий ҳамкорлик туфайли йилига мамлакатларимиз ҳудуди орқали ташиб ўтилаётган Ўзбекистон ва Туркманистонга тегишли экспорт-импорт юклар ҳажми қарийб 2,5 миллион тоннага етмоқда.

Ўзбекистон Туркманистонга хизматлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, механик ускуналар, транспорт воситалари, шиша ва қора металл ҳамда улардан тайёрланган буюмлар, оптик асбоблар, кимё маҳсулотларини экспорт қилади. Туркманистондан Ўзбекистонга пластмасса ва ундан тайёрланган буюмлар, хизматлар, минерал моддалар, ноорганик кимё маҳсулотлари импорт қилинади. 2010 йили икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 195,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Тадбирда ушбу кўрсаткични янада ошириш учун барча имкониятлар ишга солиниши таъкидланди.

Мажлисда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлик ҳамда пухта ишлаб чиқилган ҳамда амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастури туфайли Ўзбекистон юксак иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришаётгани, бу чет эл сармоядорларининг мамлакатимизга сармоя киритишга ва ҳамкорлик қилишга қизиқишини тобора ошираётгани қайд этилди. Томонлар ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, хусусан, соғлиқни сақлаш, савдо, сув хўжалиги, ёқилғи-энергетика, божхона каби соҳалардаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар.

Мадина УМАРОВА,
ЎзА мухбири.

ХУШХАБАР

МУРОДЖОН ЛОНДОНГА БОРАДИ

Тошкент вилояти ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабига Таиланддан ажойиб хушхабар келди.

Шу мактаб тарбияланувчиси Муроджон Холмуродов олис Таиланд юрти шоссесида велопойга бўйича ўтказилаётган Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медални қўлга киритди. Бизнинг вилоятдошимиз бу билан нафақат вилоятимиз, балки Ўзбекистон довруғини ҳам бутун жаҳонга таратди десак, муболаға бўлмас.

Бундан ҳам қувончлиси шуки, Муроджон ўнлаб тенгдошларини ортда қолдириб, бир йўла 2012 йилда Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берадиган лицензияга ҳам эга бўлди.

Чирчиқлик Муроджон Холмуродов тажрибали мураббий Владислав Искандаров раҳбарлигида велопойга билан шуғулланади. У Ўзбекистоннинг кўпкарра чемпиони. 2010 йилги Осиё ўйинлари, Жанубий Корея, Италия ва Жанубий Африка Республикасида ўтказилган нуфузли халқаро велопойгалар иштирокчиси. Халқаро классли спорт устаси.

Спортда шундай қоида бор. Оқилона ташкил этилган ва эринмай бажарилган машқлар маҳоратни чархлайди. Обдон чархланган маҳорат эса спортчини ғолиблик шоҳсупасига олиб чиқади. Муроджон ҳам навбатдаги жаҳон Олимпия ўйинларигача қолган вақт ичида астойдил шуғулланса, Лондондан ҳам кўксига медаль осиб қайтиши ҳеч гап эмас.

Ўз мухбиримиз.

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Вилоят ҳарбий хизматга чақирув пунктида "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларни навбатдаги чақирув ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида"ги республика Президенти Қарорига асосан Ватан ҳимоячиси бўлишга муносиб деб топилган вилоятимиз ёшларини ҳарбий хизматга навбатдаги кузатув маросими ўтказилди.

УЛАР ЮРТ ҲИМОЯЧИЛАРИ БЎЛИШАДИ

Қибрай тумани ҳокимлиги, "Камолот" ЁИҲ, жамоатчилик ташкилотлари вакиллари ҳамда бўлажак аскарларнинг ота-она ва яқинлари иштирок этган тантанали маросимда Ўзбекистон Халқ шоири, Республика Олий Мажлиси Сенати аъзоси Маҳмуд Тоиров йигитларнинг келгусидаги хизматларига муваффақият тилаб, уларни Амир Темур ва Жалолиддин Мангуберди каби буюк аждодларимизга муносиб фарзандлар бўлишга чақирди.

– Армияда хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг орзуси бўлса керак, – дейди Қибрай тумани Усмон Юсупов маҳалласидан ҳарбий хизматга чақирилган Абдулазиз Турғунов. – Юртимиз тинчлиги, мамлакатимиз фаровонлигини қўриқлаётган Қуролли Кучлар сафида хизмат қилишдек шарафга муяссар бўлганим мен учун катта бахт.

Кузатув маросимида чақирилувчиларга совғалар топширилди. Қибрай тумани ҳаваскор санъаткорлари ўз куй-қўшиқлари билан даврага файз бағишладилар.

СУРАТДА: кузатиш маросимидан лавҳа.

Маҳмуд МУРАҲАТОВ олган сурат.

КОНЦЕПЦИЯ ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАСИДА

Республика Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" маърузаси турли доираларда муҳокама қилиниб, кенг ўрганилмоқда.

Вилоят Маънавият ва маърифат марказида Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари ва вилоятдан сайланган сенаторлар иштирокида ўтган семинарда концепция нафақат юртимизда, балки хорижлик сиёсатшунос ва иқтисодчи олимлар томонидан ҳам эътироф этилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республкиаси Олий Мажлиси Сенати Раиси ўринбосари Мавжуда Ражабова давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизими ва ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича илгари сурилган қонунчилик ташаббусларининг долзарблиги, бу борада депутатлар олдига қўйиладиган вазифалар ҳақида сўзлади.

Семинарда, шунингдек, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши раиси, вилоят ҳокими Рустам Холматов сўзга чиқиб, тараққиётнинг ўзбек модели ўзини оқлаётгани, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари таҳлили воситасида тушунтириб берди. Айниқса, жаҳон иқтисодий инқирози шароитида бошқа ривожланган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш кузатилганига депутатлар эътиборини қаратди.

Семинар савол-жавоб ва қизғин мунозаралар руҳида ўтди.

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,
Даврон АҲМАД (сурат)
"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!

Тел: 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

СЕНАТОР МИНБАРИ

СИЁСИЙ ТИЗИМНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ ДАСТУРИЙ ҲУЖЖАТИ

Республика Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасида мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий жараёнлар чуқур таҳлил қилинди, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодига асосланган демократик жамият қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Юртбошимизнинг маърузасидан келиб чиқиб, Олий Мажлис Сенатининг 2010 йил 3 декабрдаги йиғилишида мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишда Олий Мажлис Сенати ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини кучайтириш вазифалари муҳокама қилинди. Муҳокама чоғида Президентимиз томонидан қўйилган вазифалар ижроси Олий Мажлис Сенатидан, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидан, ҳар бир сенатордан ва барча даражадаги депутатлардан юксак ташаббускорлик, қонун ижодкорлиги фаолиятининг самарадорлиги ҳамда парламент назоратининг таъсирчанлигини оширишни, ўз ишида умумдавлат ва минтақалар манфаатлари қўшиб олиб борилишини таъминлаш зарурлиги қайд этилди. Сенат Кенгаши, қўмиталари ва комиссияларининг, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг энг муҳим вазифаси Концепциянинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик ва ҳар бир Ўзбекистон фуқароси эътиборига етказишдан иборатлиги таъкидланди.

Олий Мажлис Сенатининг қарори асосида муҳтарам Юртбошимиз маърузасининг қоида ва хулосаларидан келиб чиқадиган вазифаларни халқ депутатлари Бекобод туман кенгашининг навбатдаги сессиясида кўриб чиқилди. Шунингдек, Президентимиз томонидан илгари сурилган Концепциянинг мазмун ва моҳияти қишлоқ ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларида, корхона, ташкилот ва муассасаларда кенг муҳокама қилинди. Концепциядан келиб чиқадиган аниқ ва мақсадли тадбирларни амалга ошириш режалари белгилаб олинди.

Туман кенгаши сессияси ва жойлардаги йиғилишларда, аввало, мустақиллик йиллари республикамизда иқтисодий ислоҳотларни ўтказишдаги асосий ютуқлар эътироф этилди. Жумладан, туманимизда кейинги 20 йил ичида катта ўзгаришлар рўй берди. Нисбатан қисқа вақт ичида 7 та янги касб-ҳунар коллежи барпо этилиб, 57 та мактаб замонавий қиёфа касб этгани, уларнинг ўқув-моддий базаси янгиланган, касалхона ва қишлоқ врачлик пунктлари бугунги кун талабидаги тиббиёт масканларига айлантирилгани, энг муҳими, одамларнинг турмуш тарзи, сиёсий онги ва дунёқараши бутунлай ўзгаргани, бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг меваси эканлиги таъкидланди. Туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, депутатлар, барча фаолларнинг иш самарадорлигини ошириш ва мамлакатимиздаги сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш билан демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этишга муносиб ҳисса қўшишлари ҳақида келишиб олинди.

Айтиш мумкинки, Концепциянинг қоида ва хулосалари асосий стратегик мақсадга бозор иқтисодиёти барқарор ривожланиб бораётган, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда олий қадрият ҳисобланувчи кучли фуқаролик жамиятига эга бўлган ҳуқуқий давлатни барпо этишга, Ўзбекистон дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторидан ўрин олишига қаратилган. Шундай экан, Концепция мамлакатимиз сиёсий тизимини янада модернизация қилишда дастурий ҳужжат, Ўзбекистонни ислоҳ қилиш ва демократлаштиришда янги муҳим босқич бўлади.

Шодибек ҲАМРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси, Бекобод тумани ҳокими.

САЛОМАТ БЎЛИНГ

ҲАФТАЛИК КЎНГИЛДАГИДЕК ЎТДИ

Вилоятимизда "Соғломлаштириш ҳафталиги" ниҳоясига етди. Саломатлик ва тиббий статистика институти вилоят филиали ва саломатлик марказлари ходимларидан иборат гуруҳ Оққўрғон ва Чиноз туманларида "Соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш ва репродуктив саломатлик" мавзуларида 200 га яқин тадбирлар ўтказди.

Ҳафталикни ўтказишда вилоят хотин-қизлар қўмитаси, ички ишлар бошқармаси, прокуратура, маҳалла маънавият-маърифат маркази, Ўзбекистон мусулмонлар идораси вилоят вакиллиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси ходимлари фаоллик кўрсатишди.

Ҳафталик давомида касб-ҳунар коллежлари, умумий таълим мактаблари ҳамда маҳалла аҳолиси ўртасида тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилди.

Саид АСҚАРОВ.

БУГУННИНГ ГАПИ

Ҳозир далаларга маҳаллий ўғит чиқариш, техника воситаларини таъмирлаш, созларини яна бир бор кўздан кечиришнинг айни пайти.

Тумандаги 200 дан ортиқ фермер хўжалигига хизмат кўрсатувчи "Пискент МТП" корхонасида ҳам иш қизғин.

УЛОВИНГНИ ҲОЗИР ТАЪМИРЛА

– Айни кунларда 230 чопиқ трактори, 170 культиватор, 20 ғалла комбайни, борона ва чизеллар, чопиқ тракторлари сифатли таъмирланиб, мавсумга ҳозирлаб қўйилди, – дейди "Пискент МТП" раҳбари Мирҳамид Мирзаҳмедов. – Бизга туманимиздаги касб-ҳунар коллежидан амалиётга келган битирувчилар ёрдам беришмоқда. Уларнинг унумли ишлашлари учун барча шарт-шароитларни яратиб берганмиз.

Корхонага қарашли кўчма устахоналар ҳам фермерларга хизмат кўрсатмоқда. "Турди-Охунов-Ғуломназир" муқобил машина трактор паркида ҳам иш жадал. 32 чопиқ трактори, 24 культиватор, 10 чигит экиш сеялкаси, 110 борона, битта ғалла ўриш комбайни таъмирдан чиқарилиб, мавсумга шай қилиб қўйилди.

СУРАТДА: "Пискент МТП" раҳбари Мирҳамид Мирзаҳмедов (ўртада) ишчилар билан навбатдаги режалар хусусида фикрлашмоқда.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК

ЖАМИЯТ АЪЗОЛАРИ ҲУҚУҚИЙ ОНГИНИ ОШИРИШДА ТАРҒИБОТНИНГ ЎРНИ

Ҳар бир инсон жамиятнинг қонун-қоидаларига, тартиб ва талабларига бўйсуниб яшашга мажбур. Барча ҳуқуқий тизимлар учун умумий бўлган тамойилга кўра, қонунларни билмаслик уларга риоя этиш мажбуриятидан озод қилмаслиги баробарида, қонунларни бузган ҳолларда жазоланишдан ҳам озод этмайди. Қолаверса, ҳар бир шахс ўзи учун қулай яшаш шароитларини яратиши учун аввало ўз ҳуқуқлари бузилмаслигини таъминлаши энг мақбул йўл ҳисобланади. Тўғри, ҳар бир ҳуқуқий жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун масъул бўлган идоралар мавжуд. Аммо, инсон нафақат ўзи, балки бошқаларнинг ҳам манфаатлари ва ҳуқуқларига билиб ёки билмай дахл этмаслиги, ўз ижтимоий хатти-ҳаракатлари учун жавобгар эканлигини англай билиши унинг ҳуқуқий онги қай даражада шаклланганига бевосита боғлиқ.

Жамиятда маълум бир гуруҳ шахсларига махсус ҳуқуқий билим олади, қолаверса, ҳамма ҳам малакали ҳуқуқий хизматдан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Бу эса фуқароларнинг ҳуқуқий онгли бўлишларини тақозо этади. Шу билан бирга, эркин фуқаролик жамиятининг ривожланиши, жамиятда ижтимоий тартиб барқарор бўлиши учун давлатнинг ўзи фуқароларнинг ҳуқуқий онги талаб даражасида бўлишидан бевосита манфаатдор. Жамият аъзолари ҳуқуқий онгини ошириш, бунинг учун муттасил ташвиқот-тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб бориш ҳуқуқшуносларнинг, жумладан, адлия идоралари ходимлари зиммасидаги ижтимоий масъулият ҳисобланади. Айниқса, ёш авлодга ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўғри англатишда биз – нотариал идора ходимлари ҳам четда қолмаяпмиз. Сабаби, ҳуқуқий муомалага киришаёган ҳар бир шахс, албатта, нотариал идорага мурожаат этиб, унинг тасдиғи билангина ўз ҳаракатларининг кейинги босқичига ўтади. Фуқаролар билан энг кўп муомалада бўлиш имконияти эса ҳуқуқий тарғибот олиб боришда биз учун қулай шароит яратади.

Эътироф этиш керак, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мамлакатимизда мустаҳкам ҳуқуқий база шаклланган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила, Фуқаролик, Меҳнат, Жиноят кодекслари ва бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ёш авлод ҳуқуқларини кафолатлашга оид меъёрлар белгилаб қўйилган. Ҳамма билиши зарур бўлган мазкур ҳуқуқий жиҳатларни ёшларга англатиш учун туманимизда ҳам мунтазам ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Айниқса, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва бошқа жиноий ҳаракатларнинг олдини олиш, жиноят содир этишнинг келиб чиқиш сабаблари ва унинг нохуш оқибатлари ҳақида ёшларга тўғри таълим-тарбия беришдек масъулиятли вазифага бефарқ қарамаяпмиз. Ёшларнинг вақтини унумли ва самарали ўтказиш, "оммавий маданият" таъсирларидан асраш зиммамизга катта масъулият юклайди.

Шу мақсадда, мактаб ва коллеж ўқувчилари орасида, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида ўндан зиёд учрашувлар ташкил этилиб, савол-жавоблар ўтказилди. Учрашувларда ҳаётнинг турли соҳаларида дуч келинаётган ҳуқуқий муаммо ва чигал масалалар бўйича кўп савол тушмоқда. Ходимларимиз ҳуқуқшунос сифатида уларга имкон қадар мукаммал жавоб бериб, тўғри йўл кўрсатишга ҳаракат қилишади.

Ҳуқуқий тарғиботни кучайтиришда, айниқса, Конституция адлия идоралари ходимлари учун дастуриламал бўлиши керак. Зеро, унда фуқароларнинг барча ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси кафолатлаб қўйилган. Аслида ҳам ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини тўла англашни Конституцияни чуқур ўрганишдан бошламоғи мақсадга мувофиқ бўлади.

Яна шуни таъидлаш керакки, фуқароларнинг конституциявий билимларини мустаҳкамлаш, хусусан тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан вилоят адлия бошқармаси аниқ чора-тадбирлар белгилаб олган бўлиб, жумладан, Зангиота туманидаги корхона ва таълим муассасаларида мунтазам ҳуқуқий тарғибот йўлга қўйилган. Нотариал идораларда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, шартномавий муносабатларни тартибга солиш юзасидан хам юртдошларимизга тушунча бериб келиняпти. Зеро, биз ҳуқуқшуносларнинг бугунги кундаги асосий вазифамиз Бош қомусимиз асосида бозор иқтисодиётига асослаган эркин демократик давлат барпо этиш, эркин фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ҳисса қўшиш ҳисобланади.

Умиджон ЖАЛИЛОВ,
Зангиота туманидаги 5-давлат нотариал идораси нотариуси.

Вилоят ҳокими 2011 йил 19 февралда "Вилоятбозорсавдо" уюшмаси тизимидаги деҳқон бозорлари ва савдо комплексларида бир марталик йиғим тўловлари ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш йиғимлари миқдорини белгилаш тўғрисида" қарор қабул қилди. Унга кўра, вилоят ҳудудидаги деҳқон бозорлари ва савдо комплексларида қишлоқ хўжалик, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи шахслардан ундириладиган бир марталик йиғим ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш тўловлари миқдори тасдиқланди.

БИР МАРТАЛИК ЙИҒИМ ВА ТЎЛОВ МИҚДОРЛАРИ

Вилоят ҳудудидаги деҳқон бозорлари ва савдо комплексларида ундириладиган бир марталик йиғим тўловлари миқдори

№	Маҳсулот турлари	Бир савдо ўрни сатҳи (м)	Тўловлар миқдори (сўм)	
			Вилоят шаҳарлари ва Янгийўл туманида	Вилоят туманларида
1	Озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш	1,5	4500	4000
2	Миллий нон ва нон маҳсулотлари сотиш	0,8	2500	2000
3	Салқин ичимликлар ва музқаймоқ сотиш	1,5	4000	3500
4	Ҳар хил пишириқлар тайёрлаб сотиш (хасип, хоним, сомса ва бошқалар)	1,5	4000	3500
5	Кабоб ва тандир сомса сотиш	1,5	5000	4500
6	Супурги сотиш	1,0	1800	1500
7	Халқ табобати ўсимликларини сотиш	0,8	1200	1000
8	Гуллар	1,5	3200	3000
9	Тувак гуллари	1,5	1500	1500
10	Кўчатлар	1,0	3000	3000
11	Картошка	0,8	2000	1800
12	Сабзавотлар	0,8	1800	1800
13	Кўкатлар	0,8	1500	1500
14	Сут ва сут маҳсулотлари	0,8	2000	1800
15	Қаймоқ	0,8	3200	3000
16	Дуккакли донлар	0,8	2500	2400
17	Донлар	0,8	2500	2400
18	Гуруч	0,8	3500	3200
19	Хўл мева	0,8	3200	3000
20	Қуруқ мева	0,8	4500	4000
21	Полиз маҳсулотлари (ажратилган жойда)	1 кв.м. учун	600	600
22	Цитрус маҳсулотлари	0,8	4500	4000
23	Теплица маҳсулотлари	0,8	4000	3500
24	Гўшт маҳсулотлари	0,8	7000	6000
25	Тухум	0,8	2000	1800
26	Зиравор ва дориворлар	0,8	2500	2300
27	Тузлама на салатлар	0,8	2500	2400
28	Асал	0,8	4000	3500
29	Махсус ажратилган жойларда юк машинасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш	Бир кунга	10000	9000
30	Махсус ажратилган жойларда енгил машинада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш	Бир кунга	7000	6000
31	Тирик парранда (ҳар донасидан)		600	600
32	Жўжалар (ҳар 10 тасидан)		500	500
33	Балиқ ва балиқ маҳсулотлари	0,8	6000	5500
34	Қорамол ва отлар (ҳар бошидан)		8000	8000
	Сигир ва от, 2 ойгача бўлган эмизикли боласи билан (ҳар бошидан)		10000	10000
	Чўчқа (ҳар бошидан)		5000	5000
	Бузоқ, тойчоқ ва эшак (ҳар бошидан)		6000	6000
	Қўй ва эчкилар (ҳар бошидан)		4000	4000
	Чўчқа боласи (ҳар бошидан)		3000	3000
	Қўзи ва улоқлар (ҳар бошидан)		3000	3000
35	Чорва моллари бозорларида эгар, арқон, юган, ҳалқа, тақа ва бошқалар	1,5 м	3500	3500
36	Сомон, хашак ва пичан сотувчилардан	3 кв.м. учун	3500	3500
37	Нисвой ва тамаки	0,8	2700	2500
38	Лотерея сотиш	0,8	1200	1200
39	Газета ва журналлар	0,8	1000	1000
40	Калла-поча, қорин, ичак ва бошқалар	0,8	3000	3000
41	Ем маҳсулотлари сотиш	1 кв.м. учун	1000	1000
42	Қулупнай	0,8	2500	2500
43	Стаканлаб сотиладиган ер ёнғоқ ва писта учун	0,8	1200	1000
44	Полиэтилен ва қоғоз пакетлар	0,8	1500	1500
45	Турғун савдо шохобчаларидан:			
	- вилоят шаҳарларида ва Янгийўл туманида	1 кв.м. учун	800	600
	- Янгийўл туманидаги янги қурилаётган икки қаватли савдо павильонининг иккинчи қаватидаги турғун савдо шохобчаларидан	1 кв.м. учун	300	
	- Ўртачирчиқ туманидаги турғун савдо шохобчаларидан	I кв.м. учун		800
	- Чиноз тумани савдо комплексидаги турғун савдо шохобчаларидан	1 кв.м. учун		500
	- Ангрен шаҳар деҳқон бозори озиқ-овқат павильонидаги турғун савдо шохобчаларидан	1 кв.м. учун	700	
	- "Чиноз балиқчи савдо" МЧЖ корхонасининг бозорларда ташкил этилган савдо нуқталаридан	1 кв.м. учун	350	350
46	Бўстонлиқ туман деҳқон бозори ҳудудидаги турғун савдо шохобчаларидан	7,5 кв.м.гача		4700
		12,5 кв.м.гача		5500
		15 кв.м.гача		6600
		15 кв.м. дан юқрисига		7500
	Дам олиш кунлари маҳсулот сақлаш учун дўконлардан омборхона сифатида фойдаланиш	1 кв.м.га		200
	Бозор ҳудудидаги гўшт, тухум павильонида:			
	- гўшт маҳсулоти (музлаткичда)	25 м.гача		8000
	- тухум маҳсулоти (музлаткичда)	25 м.гача		5000

Вилоят деҳқон бозорлари ва савдо комплексларида сотиладиган айрим турдаги товарларни сотишда ундириладиган бир марталик йиғим тўловлари миқдори

№	Маҳсулот турлари	Бир савдо ўрни сатҳи (м)	Тўловлар миқдори (сўм)	
			Вилоят шаҳарлари ва Янгийўл туманида	Вилоят туманларида
1	Эски ишлатилган буюмлар	0,8	600	500
2	Эски автомобиль қисмлари	1,5	2500	2200
3	Мебель ва уй жиҳозлари сотиш	3x5	6500	5200
4	Деҳқон бозорлари ва савдо комплексларидаги турғун савдо шохобчаларидан	1 кв.м.га	800	600

Вилоят савдо комплексларида бир марталик йиғим тўловлари миқдори

№	Савдо комплекслар номи	Савдо фаолияти ва хизмат кўрсатиш тури	Битта савдо ўрни сатҳи (кв.м)	Тўлов миқдори (сўм)
1	"Зангиота хўжалик моллари"	Турғун савдо шохобчалари	ҳар 1кв. метрдан	550
		Омборхоналардан	ҳар 1 кв.м.га	350
2	"Эшонгузар" филиали	Миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари сотиш	1,5 м	3000
3	Зангиота тум. "Илм шуъласи"	Турғун савдо шохобчаси	14 кв.м.гача	6000
		Турғун савдо шохобчаси	21 кв.м.гача	9000
		Омборхоналардан	1 кв.метрга	150
4	"Ҳасанбой"	Қурилиш моллари	50 кв.м.гача	10000
		Карбид, электрод, мих, сантехника	3 кв.м.гача	4000
		Контейнерлардан омборхона сифатида фойдаланилганлиги учун	1 кв.м.га	250
		Бостирмалар тагида омборхона сифатида фойдаланилганлиги учун	1 кв.м.га	100
5	"Сазоворсавдо"	Тўсин (кругляк)	120 кв.м.гача	8000
			60 кв.м.гача	4000
		Карбид, элекгрод, лак, буёқлар	3 кв.м.гача	4000
		Бошқа қурилиш моллари	50 кв.м.гача	5500
		Бозор ҳудудида бўш бўлган майдонда қурилиш маҳсулотларини сақлагани учун	120 кв.м.гача	7000
6	"Тож Ялло"	Ишлатилган қурилиш моллари	50 кв.м.гача	4000
		Карбид, электрод, мих	3 кв.м.гача	4000
		Бошқа қурилиш моллари	50 кв.м.гача	7000
7	Вилоят бозорлари ва савдо комплексларида	Автоуловда сочилувчан маҳаллий хом ашёларини сотиш (қум, шағал, шебень, ғишт, тупроқ, гўнг, ўтин, ёғоч, шох-шабба ва бошқалар)	5 тоннагача бўлган юк автомашинасида	4000
			5 тоннадан юқори бўлган юк автомашинасида	6000

Вилоят деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари ҳудудидаги турғун савдо шохобчаларидан ундириладиган тўловлар миқдори

Вилоят туман ва шаҳар бозорлари ҳамда савдо комплексларида	Мулкчилик шаклидан қатъи назар, бозорлар ҳудудида жойлашган турғун савдо шохобчалари (савдо павильонлари), фаолият кўрсатиши ва кўрсатмаслигидан қатъи назар, бозорлар инфратузилмаларидан фойдаланганликлари учун	Бозорларни ривожлантириш ва ободонлаштириш учун ҳар ойда савдо шохобчасининг эгаллаб турган ер майдонидан келиб чиққан ҳолда (ер ижараси қўшиб ҳисобланганда), бир ойда бир маротаба ҳар бир квадрат метр ер майдони учун	Тўловлар миқдори (сўм)	
			Вилоят шаҳарлари ва Янгийўл туманида	Вилоят туманларида
			1700	1500

Изоҳ:

1. Сотувчилар томонидан белгиланган савдо ўрнидан ошиқ бўлган жойга - иккинчи жой учун тўлиқ ҳақ ундирилади.

2. Бир неча хил маҳсулотлар бир сотувчи томонидан сотилса, патта тўлови энг юқори маҳсулот турига белгиланган бир марталик йиғим тўловлари миқдорида ундирилади.

Вилоят ҳудудидаги бозорлар ва савдо комплексларида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш тўловлари миқдори

№	Кўрсатиладиган пуллик хизмат турлари	Хизмат ҳақи (сўм)	
		Вилоят шаҳарлари ва Янгийўл туманида	Вилоят туманларида
1.	Гўшт чопиб бериш (ҳар бир кг.дан)	200	200
2.	Гўшт чопиб сотиш учун керак бўладиган анжомлар (тарози, болта, пичоқ ва бошқалар)	1000	1000
3.	Кирага бериш учун тарози ва тошлар	800	800
4.	Контейнер (мева, сабзавотлар учун қўл араваси)	400	400
5.	Брезент (мева, сабзавотларни ёпиш учун - бир кунга)	400	400
6.	Товар тарозида маҳсулот тортиб бериш	300	300
7.	Савдо жиҳозлари (патнис, сават, пичоқ, воронка ва бошқалар)ни ижарага бериш	300	300
8.	Махсус уст-бош билан таъминлаш (бир кунга):		
	- халат	300	300
	- этак	200	200
	- енглик	150	150
9.	Қишлоқ хўжалик ва бошқа маҳсулотларни сақлаш учун 1 кунга:		
	- совутгичларда (1 кг.маҳсулот учун)	250	200
	- омборларда (1 куб.м. жой учун)	550	550
	- сотувчиларнииг анжомлари (1 ўрин учун)	250	250
10.	Автомашиналар тўхтайдиган жой учун:		
	- юк машиналаридан (1 соатгача)	1700	1500
	(2 соатгача)	2200	2000
	(2 ва ундан ортиқ соатгача)	3000	3000
	- енгил автомашиналардан (1 соатгача)	1300	1300
	(2 соатгача)	1800	1800
	(2 ва ундан ортиқ соатгача)	2500	2500
	- от, эшак аравалардан (1 соатгача)	250	250
	(2 соатгача)	350	350
	(2 ва ундан ортиқ соатгача)	550	550
11.	Электро-каралар хизмати (бир ўрин)	600	600
12.	Карвонсаройдан фойдаланиш - бир кунга:		
	- йирик молларга	1500	1500
	- майда молларга	800	800
13.	Автомашина, от ва эшак аравалар бир марта бозорга кириб чиқиши (қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ортилган автомашиналардан ҳақ ундирилмайди):		
	- юк автомашинаси	3000	3000
	- енгил автомашина	2000	2000
	- от ва эшак аравалар	500	500
	- моторолллерлар	500	500
14.	Бозорларга бириктирилган ер майдонларида автомобилларни вақтинчалик сақлаш учун (парковка):	600	500
15.	Меҳмонхонадан бир кеча-кундуз фойдаланиш	2500	2000
16.	Ҳожатхона хизмати	300	300
17.	Қушхоналар хизмати ҳар бошдан:		
	- йирик моллар	9000	9000
	- майда моллар	5000	5000
18.	Кийим-кечак кийиб кўриш хонаси	200	200
19.	Телефон	300	300
20.	Бозор араваларидан фойдаланганлиги учун бир кунга	6500	6000
21.	Арава хизмати (бозор араваларидан ташқариси учун)	3500	3200
22.	Пойабзал таъмирлаш	500	500
23.	Пичоқ, болта, арра чархлаш	500	500
24.	Авто-тарозида бир марта тортиб бериш	1200	1200

ЭСЛАТМА:

нон, сут, гўшт, пиширилган озиқ-овқат ва кондитер маҳсулотлари сотувчилар махсус уст-бош кийимларидан фойдаланишлари мажбуриийдир.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 233-57-47 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

УНИ АСРАШ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Айтишларича, бир вақтлар бўри, тулки, калхат каби йиртқичлар инсон ҳаётига хавф солгани боис, уларни қириб ташлай бошлашган. Натижада улар камайиб, далаларда, ғаллазорларда турли кемирувчилар кўпайиб кетган. Сир эмаски, йиртқич ҳайвонлар ва уларнинг ўлжалари ҳам минг йиллардан буён ёнма-ён яшаб келади. Она табиат уларнинг ҳаёт кечиришига имкон яратган ва табиий мувозанат вужудга келган.

Афсуски, баъзида инсонлар мана шу мувозанатни ёддан чиқарадилар. Ўзларининг манфаатлари йўлида табиатга, ундаги жониворларга зарар етказадилар. Қолаверса, табиатнинг қайта тикланмас табиий бойликлари камайишига ва ифлосланишига сабабчи бўладилар. Агар корхоналардан бурқираб чиқаётган тутунлар ҳавони заҳарласа, оқава сувлар дарёларни хароб қилса, бундан фақатгина табиат эмас, балки инсоният ҳам жабр кўриши шубҳасиз. Шунинг учун биздан кейин ер юзида сақланиб қоладиган ёки бизнинг айбимиз билан бутунлай йўқ бўлиб кетиши мумкин бўлган табиат унсурларини сидқидилдан муҳофаза қилишимиз керак.

Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш, экологик вазиятнинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган қонун ва амалдаги меъёрий ҳужжатларга риоя этиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, сўнгги йилларда табиий бойликларнинг кескин камаяётгани, турли омиллар сабаб чор-атрофга зарар етаётгани кўпчиликни ташвишга солмоқда.

Вилоятимизда юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларининг қонунларга риоя қилишлари устидан назорат олиб борилаётгани қувонарли. Шунингдек, корхоналарнинг фаолияти учун зарур бўлган экологик меъёрий ҳужжатлар, жумладан, корхонанинг атроф-муҳитга таъсир кўрсатиши хусусидаги баёнот ва унинг экологик оқибатлари тўғрисида хулосаларда белгиланган шартларга амал қилиш юзасидан мониторинг ўтказилмоқда. Бу, ўз навбатида, корхоналарнинг экологик меъёрий ҳужжатларга нисбатан масъулиятини янада оширмоқда.

Куни кеча вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда Бош давлат экологик экспертизаси ҳамкорлигида семинар-тренинг ўтказилди. Унда ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва чиқиндиларни жойлаштириш инспекцияси, шаҳар, туман қўмиталари давлат инспекторлари иштирок этди. Тадбирда вилоятимиз ҳудудидаги фойдали қазилмалардан оқилона фойдаланишга оид экологик меъёрий ҳужжатлардаги шартларнинг бажарилиши жойларда амалга оширилиши лозим бўлган мониторинг ўтказиш йўл-йўриқлари атрофлича муҳокама қилинди. Шу билан бирга мавжуд 67 та ғишт заводи, 20 та дарё ўзанлари, тозалаш ва қирғоқларни мустаҳкамлаш ишларини олиб борувчи, 11 та тупроқ, қум-шағал ва бошқа қурилиш маҳсулотларини қазиб олиш билан шуғулланувчи карьерлар фаолиятида йўл қўйилаётган қонунбузарликларни бартараф этиш чоралари ҳақида келишиб олинди. Эслатиб ўтиш жоизки, ўтган йилда "Саноатгеоконтехназорат" инспекцияси ҳамкорлигидаги мониторинг жараёнида ўтказилган 60 дан ортиқ рейд давомида 42 ҳолатда аниқланган камчиликлар юзасидан далолатномалар тузилган эди. Жами 1 млн. 927 минг 765 сўм жарима қўлланилган бўлиб, 320 та огоҳлантириш-кўрсатмалар тақдим этилганди.

Семинар-тренинг ўтказишдан мақсад ҳам юқоридаги ҳолатлар содир этилишига йўл қўймай, умуммиллий бойлигимиз бўлган табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш, ер ости бойликларини қазиб олишда ҳолати бузилган ерларни рекультивация қилиш, дарё ва сой ўзанларини емирилишдан сақлаш, энг муҳими, бебаҳо бойлигимиз бўлган ичимлик суви ифлосланишининг олдини олишдир.

Абдумуталлиб АБДУХОЛИҚОВ,
вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси катта инспектори.

Бодом гулладими, демак, баҳор яқин...

НУҚТАИ НАЗАР

ОНА ЗАМИН ҚЎРИҚЧИГА МУҲТОЖ...МИ?

Инсон – табиатнинг ажралмас бўлаги. У меҳр-оқибат, жонкуярлик каби фазилатлар, яратувчилик қобилиятига эга.

Минг афсуски, инсоннинг табиат кўркию жозибасини, мислсиз бойликларини йўқ қилишга қодирлиги ҳам бор гап. Буғуларнинг шохлари, фил суяги, қоплон, қуён, тулки, йўлбарс ва лама терилари учун ўлдирилаётгани бунга мисолдир.

Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, бугунга келиб 240 га яқин ҳайвон турлари бутунлай йўқолиб кетган. Ачинарлиси шундаки, бунга табиат қонунлари ёки офатлари эмас, айнан инсонлар сабаб бўлган. Бирор ҳайвон ё ўсимлик турининг ер юзидан йўқолиши катта экологик кемтикликка сабаб бўлсада, одамлар буни жиддий йўқотиш деб ҳисобламайдилар.

Агар одамлар бу каби масалаларга чуқур ва онгли ёндошганларида эди, "Қизил китоб" аталмиш табиат қўриқчиси пайдо бўлмасди. "Қизил китоб" табиий бутунликни сақлаб, ҳайвонлар ва ўсимлик дунёсини асраш, уларнинг тамомила йўқолиб кетишига йўл қўймасликка хизмат қилади. Унга киритилган ҳайвон ва ўсимликлар қонун билан муҳофаза қилинади.

Асосан, Кавказда, Туркманистонда яшовчи қоплон, Амударё ва Сирдарё бўйларидаги ўрмонларда кўп учрайдиган Бухоро буғуси қирилиб кета бошлаган эди. Ушбу жониворлар "Қизил китоб"га киритилганидан сўнг аста-секин кўпайиб бормоқда.

Шундай бўлса-да, ўлкамизнинг тоғли ғўшаларида гала-гала бўлиб яшайдиган каклик, қирғовул, бедана каби қушларнинг камайиб бораётгани ташвишланарли. Чунончи, лола, зирк, чала бутасимон астрагал, ёввойи анор сингари ўсимликлар эндиликда махсус қўриқхоналарда сақланиб қолганлиги наҳот инсониятга сабоқ бўлмаса?! Наҳот, табиат инсонлардан шу қадар азият чекиб, турли қўриқхоналар, қонунлар муҳофазасига муҳтож бўлса? Ахир, табиатга зиён етказмаслик, унинг бойликларини асраш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз эмасми?

Мутахассислар фикрига кўра, ҳозирга келиб Туркманистон ноки, ёввойи анжир ва бодом, анзур пиёзи, Шарқ чинори каби мевали ва манзарали дарахтлар ҳам камаймоқда. Уларни кўпайтириш учун эса турли селекция тажрибаларини олиб бориш лозим. Негаки, бу ўсимликларнинг ҳар бири шифобахшлиги билан қимматлидир. Дейлик, ёввойи анордан тиббиёт ва табобатда кенг фойдаланилади. Унинг пўстлоғи таркибида инсон саломатлиги учун фойдали бўлган алкалоидлар, ошловчи, смола, бўёқ моддалари, мевасида эса органик кислоталар, қанд ва С витамини бор. Табобатда бу каби табиий неъматлар жуда кўп. Уларни асраш эса ўзимизда қолган гап. Матбуот саҳифаларида табиат муҳофазаси, Қизил китобга киритилган жонзот ва ўсимликларни асраш хусусида кўплаб мақолалар эълон қилинади. Лекин бунинг ўзи етарлимикин?

Фикримизча, ҳайвон, парранда ва ўсимлик турларини сақлаб қолиш учун минтақа ва туман табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг давлат инспекторлари ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш лозим. Шунингдек, ов мавсумида янада сергак бўлиб, белгиланган кўрсатмани бузган шахсларга нисбатан қонун доирасида жазо қўллаш зарур.

Шундагина инсонлар табиат бойликларига эҳтиёткорона муносабатда бўлаларлар балки?

Азиз АЗИМОВ,
табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти ва уни ташкил қилиш бўлими бошлиғи.

Табиат ва инсон

Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси саҳифаси

ТАБОБАТ

ЮЗ БИР ДАРДГА ШИФО

Эмишки, она табиат қўйнидаги ҳар бир унсур ва каснинг бир хосияти бор. Уни кўриш, сеза олиш кўпгина мушкулотнинг осонгина ҳал этилишига туртки бўлади.

Ривоят қилишларича, овни хуш кўрадиган шаҳзода бир оҳунинг изига тушади. Тутқич бермас бу жонзот охир-оқибат камон ўқидан жароҳатланади. Энди уни тутиб олмоқчи бўлганларида бир қоя ортига ўтиб кетар, яна ҳеч нарса бўлмагандек югуриб қочиб қолар экан. Бу ҳол бир неча бор такрорлангач, қоя ортидаги ғорга кириб қарасалар, қорамтир, ялтироқ қумга ўхшаш моддага кўзлари тушибди. Кейинчалик у халқ орасида мумиёи асил дея ном олган экан.

Тиббиёт фани ривожига муносиб ҳисса қўшган бобомиз Абу Али ибн Синонинг шундай гаплари бор: "Олимлар табиат қонунлари ва сирсиноатларини очишлари, уни авлоддан авлодга етказишлари керак".

Дарҳақиқат, табиат шу қадар синоатларга бойки, дунё олимлари ундаги барча мавжудотларнинг бир-бири билан намбарчас боғлиқлиги, ҳайвонлар ва фойдали неъматларнинг шифобахш хусусиятларини ўрганмоқдалар.

Шундай шифобахш неъматлардан бири мумиё бўлиб, у қадим замонлардан буён халқ табобатида кенг қўлланилади.

Баъзи маълумотларга қараганда, мумиё юздан ортиқ, жумладан, тутқаноқ, юз нерв фалажи, меъда ва ўн икки бармоқли ичак яраси, радикулит, суяк синиши ва турли ўсмаларга қарши қўлланилганда яхши натижа беради.

Мумиё Непал ва Ҳиндистонда даволаш воситаси сифатида тасдиқланган бўлиб, дорихоналарда сотилади. Олимларнинг таъкидлашларича, мумиёнинг таркибида тахминан 28 та кимёвий ҳамда 30 та макро ва микроэлемент, 10 та металл оксиди, 6 та аминокислота ҳамда бир қатор витаминлар, эфир мойлари, асалари заҳари, смоласимон моддалар борлиги сабаб у кўплаб касалликларга даво бўлади. Тиббиёт фанлари доктори О. Шокиров, Ю. Нуралиев "Мумиё тўғри ва мунтазам қўлланганда бемор албатта шифо топади" деганлар. Негаки, мумиёни ичишда маълум меъёрларга риоя қилиш лозим. Дейлик, уни қабул қилиш жараёнида чекиш ва спиртли ичимликлар ичиш мумкин эмас. Бу беморга салбий таъсир қилар экан.

Ю. Нуралиев Санкт-Петербург санитария-гигиена медицина институтининг касалликлар кафедрасида меъда ва ўн икки бармоқли ичак яраси бор 74 беморни мумиё билан даволаш мақсадида клиник тажриба ўтказди. Даволаш мобайнида 65 та беморда яралар йўқолди, 3 тасида кичиклашди. Эътиборлиси шуки, мумиё ичгандан сўнг 15-20 дақиқа ичида беморлардаги оғриқлар тўхтаган.

Мумиёдан ташқари андиз, арпабодиён, далачой, етмак, жўка, маймунжон, зиғир каби турфа хил ўсимликлар борки, улар неча йиллардан буён инсонлар дардига дармон бўлиб келмоқда. Шундай экан, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини, табиий шифобахш неъматларни асраб-авайлашимиз лозим. Ахир, ҳар биримиз она табиатнинг ажралмас бўлагимиз-ку!

СЕМИНАР

ДАРЁЛАР ТЎЛИБ ОҚҚАНИ ЯХШИ

Вилоятимиз аҳолисини ичимлик суви билан таъминловчи Чирчиқ, Сирдарё ва Оҳангарон дарёларининг саёзлашуви хавфи ҳаммамизни ташвишга солиши шубҳасиз. Негаки, сув – ичимлик манбаи бўлибгина қолмай, вилоятимизнинг саноати, ишлаб чиқариш ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳам катта ўрин тутади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги муҳим омиллардан биридир.

Сув ҳавзаларини ифлосланиш ва қуриб қолишдан сақлаш, сув таъминоти бўйича муаммоларни бартараф этиш юзасидан "Сув ва сувдан фойдаланиш ҳақида", "Қўриқланадиган табиий ҳудудлар тўғрисида" каби қарор ва қонунлар қабул қилинган. Улар асосида сувдан оқилона фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Яқинда вилоят давлат экологик экспертизаси ҳамда Давлат бош экспертизаси ҳамкорлигида ўқув-семинар ўтказилди. "Кенг тарқалган фойдали қазилма конларида табиатни муҳофаза қилиш назорати учун қўйиладиган талаблар" мавзусида ўтган семинарда вилоят табиатни муҳофаза қилиш шаҳар, минтақавий ва туман қўмиталари вакиллари, ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналар раҳбарлари иштирок этди. Шунингдек, Оҳангарон, Сирдарё ва Чирчиқ дарёларининг қирғоқларини тўғриловчи корхоналарнинг раҳбар ходимлари ҳам таклиф этилди.

Семинарда кенг тарқалган фойдали қазилма конларида табиатни муҳофаза қилиш юзасидан қўйилган талаблар ва уларнинг бажарилиши ҳамда давлат мониторингини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Шунингдек, амалдаги қонунчиликка мувофиқ дарёларнинг ўзанини ўзгартириш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳамда сув ресурслари ҳолатига таъсир қилувчи бошқа ишлар фақат Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат геология қўмитаси рухсати билан амалга оширилиши алоҳида қайд этилди. Қолаверса, дарё ўзанлари ҳамда қирғоқ бўйларини маиший ва қурилиш чиқиндиларидан тозалаш бўйича тавсиялар берилди.

Нилуфар ИНОҒОМОВА,
вилоят давлат экология экспертизаси бош мутахассиси.

ДАРВОҚЕ

Ишлаб чиқариш корхоналари атроф-муҳитга зарар етказаётгани, ҳаво заҳарланаётгани хусусида кўп гапирамиз. Бироқ, узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилишда қўл келадиган автомашиналардан чиқаётган тутунлар, автомобилга ёқилғи қуйиш шахобчаларида ёқилғи ва газларнинг ҳавога тарқалиши натижасида атмосфера ифлосланиши ҳақида ҳеч ўйламаймиз.

БИЗГА ЯХШИ, АММО...

Вилоят ички ишлар бошқармаси давлат автомобиль назорати бўлими берган маълумотларга кўра, вилоятимизда 190 мингга яқин автотранспорт воситаси бўлиб, шундан 91,8 фоизи шахсий, 8,1 фоизи эса давлат тасарруфидаги транспорт воситаларидир. Айтиш жоизки, уларнинг асосий қисми суюқлигининг табиий ва суюлтирилган газда ишлайди.

Ҳозир 30 та газ қуйиш шахобчалари автомобилларга хизмат кўрсатмоқда. Ўтган йилдан буён мингга яқин автотранспорт воситаси газ ёқилғисига ўтказилиб, натижада 376,958 тонна заҳарли моддалар атмосферага чиқарилишининг олди олинди.

Дастлабки ҳисобларга қараганда, атмосферага чиқарилган зарарли моддалар 252,759 тонна бўлиб, бу 2009 йилдагига қараганда 7,812 тонна камдир. Бунинг сабаби эса 2010 йилда қатор корхоналарнинг фаолияти тўхтатилгани ҳамда айрим корхоналар тўла қувват билан ишламаётгани билан боғлиқ. Транспорт воситаларидан чиқаётган заҳарли моддалар ўтган йилда 164574 тонна бўлиб, 2009 йилдагига нисбатан 61081 тоннага камайган.

"Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида" ва "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунлар ижросини таъминлаш мақсадида ҳар йили март, апрель, август, сентябрь ойларида "Тоза ҳаво" тадбири ўтказилади. Тадбирда автотранспорт воситалари чиқараётган заҳарли моддалар оқибатида атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш, моддаларнинг заҳарлилик даражасини текшириш бўйича давлат назоратини кучайтириш, автомобилларга ёқилғи қуйиш, техник хизмат кўрсатиш шахобчалари, автокорхоналар ва автомобиль йўлларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилиш масалалари бўйича тушунтириш ишлари олиб борилади.

Ўтган йилги тадбирда асосий эътибор йирик автомобиль йўлларидаги экологик текширувларга қаратилиб, Тошкент-Олмалиқ, Тошкент-Бекобод, Тошкент-Чиноз, Тошкент-Бўстонлиқ йўлларида 12 та махсус экологик пост ташкил этилди. Шундан 9 таси муқим, 3 таси эса ҳаракатдаги постлар.

Шунингдек, тадбир давомида 22475 та автотранспорт воситаси кўрикдан ўтказилиб, улардан 21060 таси зарарли моддалар чиқариши аниқланди.

Адҳам ҚУРБОНОВ,
атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи.

«ОМИЛКОРЛИК» ЗИЁНИ

ЎЗ ВАҚТИДА БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Қибрайлик Баҳодир Толипов катта орзу-умидлар билан тикув цехи очди. Цех пайпоқ тикишга мўлжалланган. Қирққа яқин тикув дастгоҳлари билан таъминланган, ишчилари ҳам оз эмас.

Хуллас, ишлар яхши кетаётган бир вақтда Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига шикоят хати келди.

Унда цехнинг аҳоли яшаш жойи яқинига қурилгани, туну кун ишлайдиган кучли электр моторлар ҳосил қиладиган тебраниш ва шовқинлар фуқароларнинг тинчлигини бузаётгани айтилган. Бу ҳам етмагандай, пайпоқларни бўяшда ишлатиладиган кимёвий моддалар кўчанинг олд қисмидан ўтувчи ариққа оқизилар экан. Шикоятчи чиқиндилар белгиланган жойга ташланмаётгани, бу эса атроф-муҳитга, шу билан бирга одамларга зиён етказаётганини куюнчаклик билан маълум қилган.

Хусусий тадбиркор Баҳодир Толипов Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни талабларини қай йўсинда бузаётганини аниқлаш мақсадида текширув ўтказилди. Текширув "Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолияти текширишларини ташкиллаштириш тартиби тўғрисида"ги Низом, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг вилоят бўйича ҳудудий комиссияси ҳамда вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг тегишли хат ва буйруқларига асосан олиб борилди.

Маълум бўлдики, цех раҳбари Баҳодир Толипов Ўзбекистон Республикаси "Ер тўғрисида"ги Кодексининг тегишли бандлари талабларини бузган.

Тадбиркорга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди.

Шаҳноза УСМОНОВА,
ташкилий бўлим мутахассиси.

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

Экология ва табиатни асраш масалалари бўйича мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиб, ҳал этиш мақсадида вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида ҳар ойнинг учинчи шанба куни очиқ эшиклар куни ўтказилади. Шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш талаблари бузилганда 266-78-68 ишонч телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Саҳифа материалларини вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси Қобилжон СОҚИЕВ ва «Тошкент ҳақиқати» мухбири Ирода НОРБОЕВА тайёрлади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА **ОБУНА** бўлинг | Тел: 233-08-34 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ҲАМКАСБИМИЗ ХОТИРАСИ

Бешафқат ўлим ажойиб инсон, таниқли журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Носир Рихсиевни орамиздан олиб кетди.

Носир Рихсиев 1932 йили Тошкентда таваллуд топди. Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Миллий университет)нинг журналистика бўлимини муваффақиятли тугаллаб, меҳнат фаолиятини 1956 йилда "Тошкент ҳақиқати" газетасида оддий ходимликдан бошлади ва қариб 50 йил шу таҳририятда сермаҳсул ижодий йўлни босиб ўтди.

У ўз даврида шакилланган ва ижодкорлар томонидан эътироф этилган "Тошкент ҳақиқати" газетаси журналистлар мактабининг илғор ва етакчи вакилларидан бири эди ва доимо бундан фахрланарди. Бу фахр туйғусини ярим асрлик ижодий ҳаёти давомида асрабавайлади, меҳнатсеварлиги, изланувчанлиги, тўғрисўзлиги, талабчанлиги ва фаол ижоди билан ривожлантирибгина қолмай, ҳамиша ёшлар қалбига сингдириб келди.

Носир Рихсиев ижодий фаолияти давомида газетанинг етакчи бўлимларини моҳирлик билан бошқарди, фаол ижод қилди. У ҳамиша юртнинг қувонч-ташвиши, одамларнинг эзгу орзулари билан бирга бўлди. Элнинг корига ярашга ҳаракат қилди ва ўзидан муносиб из қолдирди.

Айниқса, у 20 йилдан ортиқ таҳририятнинг қишлоқ хўжалиги, кейинчалик агросаноат бўлимини бошқарган йилларда Тошкент вилоятида Носир Рихсиевнинг қадами етмаган қишлоқ қолмади. У ҳамиша журналистнинг ўрни одамлар орасида, дер эди ва шунга содиқ қолди. Унинг сермаҳсул ижоди ва қаламига мансуб юзлаб очерк ва лавҳаларнинг қаҳрамонлари ҳам оддий қишлоқ кишилари, юртдошларимиз бўлиб, уларнинг ҳаёти, меҳнат натижалари, тақдири, орзу-ниятларини ўзига хос тилда ва услубда юксак маҳорат билан қоғозга туширар эди.

Носир Рихсиев шу йиллар ичида нафақат моҳир журналист балки, пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик ҳамда чорвачилик илмини пухта эгаллаган мутахассис сифатида ҳам танилди. Ўзининг чуқур таҳлилий мақолалари билан соҳа мутахассислари, илм аҳлининг эътиборига тушди. Ўнлаб илмий изланишларга тақризлар ёзди, муносабат билдирди.

Катта ҳаётий тажриба орттирган Носир Рихсиев меҳрибон ва талабчан устоз ҳам эди. Ўз умри давомида республикамиздаги юзлаб ёшларга журналистликдек машаққатли касбнинг сир-асрорларини сабр-бардош билан ўргатди ва уларни катта ижодий фаолият йўлига олиб чикди.

Уни ҳамиша ижод устида, янги режалар билан банд ҳолда кўрар эдик. Айниқса, мустақиллик йилларида янада жўшиб, ўзгача илҳом, янги куч-ғайрат билан самарали ижод қилди. Газета саҳифаларида янги замон қаҳрамонларининг ўй-фикрларини юксак маҳорат билан ёритди. Унинг қаламига мансуб оддий замондошларимиз ҳақидаги очерк ва ҳикоялар, мақолалар ҳали кўп йиллар ёшларга ижод, маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Носир Рихсиев камтар, камсуқум инсон эди ва камтарона ҳаёт кечирди. Фарзанду набиралари, шогирдларини ҳам ҳамиша эл-юрт корига ярашга ундаб яшади.

Носир Рихсиевнинг миллий матбуотимизни ривожлантиришдаги хизматлари муносиб баҳоланиб, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" унвони билан тақдирланган эди.

Ўлим ҳақ. Бугун Носир Рихсиев орамизда йўқ. Лекин унинг хотираси дўстлари, ҳамкасблари, яқинлари қалбида абадий сақланиб қолади. У шунга муносиб инсон ва қалами ўткир журналист эди. Охиратингиз обод бўлсин, муҳтарам устоз, азиз ҳамкасбимиз!

"Тошкент ҳақиқати" жамоаси.

ЎЙЛАБ ТОПИЛМАГАН ҲИКОЯЛАР

ОДИЛ ДАНГАЛ

Катта йўлга чиқадиган кўчанинг муюлишида Одил дангал исмли киши оиласи билан яшайди. Унга нега дангал деган лақаб беришганини бир маҳаллада туриб сира тушунмасдим. Табиатан ипакдек ҳалим одам. Катта-ю кичикни сизлаб гапиради. Жуда меҳмоннавоз. Ҳовлисига эшик қоқиб кирган одам унинг сертакаллуфлигидан кўнгли тоғдек кўтарилади. Худо фарзандлардан ярлақаган, ўғиллари ва икки қизи аллақачон уйли-жойли бўлиб кетишган. Тўй-маъракани эл қатори ўтказади.

Эл-улус одамларга бекорга лақаб қўймаслигини яқинда билиб олдим.

Одил ака қўшниси Суннат акага гап уқтирарди:

– Шунақа, биродар. Тўғри сўзнинг тўқмоғи бўлади. Гапнинг индаллосини айтсам, чиқарадиган қизингизга қўша-қўша гилам на даркор. Машинангизга янги аккумулятор олсангиз бўлмайдими. Савил битта гиламнинг ярим пулига келади. Кунда эрталаб зил-замбил савуқ уловни итара-итара бутун оиланинг, қоларса, қўни-қўшнининг, кўча-кўйдаги йўловчиларнинг жони ҳалак бўлиб кетди-ку. Ўзиям ўғилга сира ачинмайдиган ота экансиз.

– Э, сизга нима қўшни? Ўғлим ўзи ишлаб топсин, дейман-да. У ҳам бир рўзғорнинг боши. Қачонгача елкамда ўтиради?!

– Йўқ, барибир ўғлингизга ачинмас экансиз. Акс ҳолда битта гилам пулига машинани қўчқордай бутлаб берган бўлардингиз.

– Қизиқ, сиз нега уйимдаги гиламнинг ҳисобини қиласиз? Қиз чиқарсам қийналмай дейман-да.

Шунда Одил аканинг табиатига мутлақо зид дангаллиги бўй кўрсатади:

– Индаллосини айтсам, ҳайф сиздай одамга. Сиз сотмасангиз, мана мен гилам сотиб, ўғлингизга аккумулятор олиб бераман.

Суннат ака бундоқ қараса, қўшниси Одил акага гап уқтириб бўлмайди. Нафсиламбирини олганда, ўғлига жони ачиб айтяпти. Битта гиламни сотиб, ўша савил аккумуляторни олиб беришга аҳд қилди. Ўша носоз уловни амал-тақал билан юргазиб, гиламни ортганча икки қўшни бозор томон отланишди. Янги аккумулятор олиб машинага жойлагач, қўшнилар енгил тин олдилар.

Шунақа, одамнинг табиати, феъл-атворидан келиб чиқиб, унга лақаб қўйишар экан-да. Одил аканинг дангаллиги баъзида айрим муаммоларнинг ечимига калит бўлиб хизмат қилаётганидан ич-ичимдан қувондим.

Собиржон ИНОМОВ.

XXI аср ва ДУНЁ

МИСНИНГ НАРХИ ҚАНЧА?

РАТА-ТАСС мухбирининг хабар беришича, биринчи бор жаҳон бозорида миснинг баҳоси рекорд кўрсаткичга – бир тоннаси ўн минг АҚШ долларига етди.

Саноат корхоналарида мисга бўлган талабнинг ортиши нархнинг кўтарилишига сабаб бўлаётир.

Лондон биржаси маълумотига кўра, жорий йилда нефть нархи ҳам кўтарилган. Айни кунларда бир баррель қора олтин баҳоси юз АҚШ долларига тенг.

САЙЁҲЛАРГА ҲАМ ОСОН ТУТМАНГ

Вьетнамнинг Ха Лонг кўрфазида сайёҳлар тўла катер сувга ғарқ бўлди. Оқибатда ўн бешга яқин сайёҳ ҳалок бўлди.

Қутқарув хизмати ходимларининг ёрдами билан йигирмага яқин кишининг ҳаёти сақлаб қолинган. Хабарларга қараганда, кемада АҚШ, Англия, Швеция, Дания, Россия каби ўндан зиёд мамлакатлардан келган сайёҳлар бўлган.

Полициячилар бахтсиз ҳодиса денгизда турган тўфон оқибатида содир бўлган деб таъкидламокда.

НИГОҲ

ҲАРБИЙЛАР НАФСИ ҲАКАЛАК ОТСА

гиёҳвандлик моддалари савдосини касб қилиб олган «ишбилармон»ларнинг ошиғи олчи бўлаверади

Ашаддий ўғрилар ҳар қандай қопоғон итнинг ҳам овозини ўчириш йўлларини яхши билишади. Ниятлари ўзганикини ўмариш бўлгандан кейин шунга мажбурдир. Акс ҳолда кўз остларига олган ўлжаларини хамирдан қил суғургандек қўлга киритолмайдилар. Тожикистонда гиёҳвандлик моддалари билан савдо қилувчилар ҳам эндиликда "пихини ёрган" ўша ўғрилардан қолишмаяптилар. Фақат фарқи шуки, уларнинг қушандалари итлар эмас, чегара қўшинлари ҳарбийлари.

Мамлакат ҳарбий прокуратурасидан бизга маълум қилишларича, кейинги вақтда гиёҳвандлик моддалари бизнеси билан шуғулланувчи "ишбилармон"лар Тожикистоннинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари билан апоқ-чапоқ бўлиб кетишган. Шу жумладан, ҳарбий хизматчиларнинг наркобизнесга қўшилиб кетишларига ҳам ўша "сиздан угина, биздан бугина" усули сабаб бўлаяпти. Бу эса ўз навбатида қуролли кучларимизнинг ич-ичидан маънавий бузилишига олиб келаяпти.

Энди прокуратура ходими берган маълумотларга назар ташлайлик. Тожикистон Республикаси ҳукумати қошидаги Гиёҳвандлик моддаларини назорат қилиш агентлиги ходимлари Хатлон вилоятининг Ҳамадон туманида давлат Миллий хавфсизлик қўмитасининг чегара қўшинлари бош бошқармаси "Хатлон" минтақавий бошқармаси ижро ҳарбий хизматчиси капитан Садриддин Муродалиев ва прапоршик Маҳамадали Асадуллаев 50 килограмм героин гиёҳвандлик моддасини сотишаётганда қўлга олинди.

Бундан бир кун аввал Сўғд вилояти Зафаробод тумани ички ишлар бўлимининг жиноий қидирув бўлинмаси ходими, катта лейтенант Акром Абдуллаев 1,5 килограмм героин гиёҳвандлик моддасини сотишга ҳаракат қилаётганида давлат Миллий хавфсизлик қўмитаси ходимлари томонидан далил-исботи билан ушланган эди.

Бебилиска даромаднинг буромади охир-оқибат бўйиздан бўғиши рост гап. Тожикистон чегара қўшинлари "Сўғд" минтақавий бошқармаси "Зарафшон" чегара отрядининг бир зобити ва уч ҳарбий хизматчиси 28 килограмм героин гиёҳвандлик моддасини транспортда олиб кетишаётганда қўлга тушишди. Прокуратурадаги сухбатдошимизнинг гапларига қараганда, ҳибсга олинган ҳарбийлар орасида контракт бўйича хизмат қилаётган Хусрав Асомиддинов, Ферузшоҳ Сайриддинов, Халил Аминов ҳам бор. Шуниси ажабланарлики, бу наркобизнесчиларни қўлга олиш операцияси чоғида улар, ҳатто, қуролли қаршилик кўрсатишдан ҳам тоймадилар.

Ҳарбий прокуратурада бундай мисоллар истаганингизча топилади. Лекин далилларни қалаштиришдан нима наф? Гап бу ножўя хатти-ҳаракатларнинг моҳияти ва пировард оқибатида. Шундай экан, прокуратурадаги сухбатдошимизнинг сўзларини айнан келтиришимиз ўринли бўлса керак: "Тожикистон ҳарбий хизматчиларининг наркобизнес жабҳасига тобора чуқур кириб бораётганларига асосий сабаб бизнинг қуролли кучларимиз ич-ичидан айниб, бузилиб кетаётганидир. Наркомафия тасарруфига тинимсиз келиб тушаётган беҳисоб молиявий маблағлар уларга нафақат маҳаллий аҳоли вакилларини, балки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, божхона ва чегарачиларни ҳам гиёҳвандлик моддаларини кўплаб сотишдек қора ишларга кераги ва ёллаш имконини бермокда.

Мизроб ГАФФОРОВ.
tajmigrant.com.

ЎзА ва интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

ҚАБИҲЛИКНИ ЎРГАТГАН «УСТОЗ»

Эсини танибдики, ҳали уни ҳеч ким ўз исми билан "Бердимурод" деб чақирмаган. Хоразм томонларда бу одатий ҳол. Бир-бирига лақаб қўйиб, шунчаки, кулги қилишга уста хоразмликлар хафа бўлишмайди.

Бердимуродга ҳам ким илк бор "Бердақ" деб машҳур шоир номи билан лақаб қўйганини ҳеч ким билмайди. Унинг ўзи ҳам исмини салкам унутиб юборган шекилли, мабодо биров "исминг нима?" деб сўраса, албатта, Бердақ деб жавоб беради.

Бироқ, 9-синфни битириб, коллежга ўқишга кирган йили онаси билан Олмалиқ шаҳрига меҳмонга келди-ю, сўраганларга ҳақиқий исмини айтди. Чунки, бу томонларда лақаб қўйиш одати йўқ.

Бир-икки кун меҳмон бўлишганидан кейин онаси Хоразмга қайтиш учун йўл тадоригини кўра бошлади. Тоғаси орага тушиб:

– Жиянимиз яна бир-икки кун дам олсин, яхшилаб ҳаво алмашсин, кейин ўзим машинага чиқариб, жўнатиб юбораман, – деди.

Бердимурод киришимли бола бўлганидан тезда янги дўстлар орттирди. Хоразм лаҳжаси билан Тошкент шеваси ўртасида катта фарқ бўлгани учун баъзан дўстлари унинг гапига тушунмай, қайтадан сўрашар, баъзилари эса унга тақлид қилиб "галинг, гатинг" деб ҳазиллашардилар.

Бир куни Бердимурод зерикиб, пули йўқ бўлса ҳам томоша қилиш учун компьютерхонага кирди. Энг сўнгги русумда кийиниб, киборларча лабига сигара қистириб, бир ўзи ўйнаб ўтирган корейс йигитнинг ўйинини томоша қила бошлади.

– Ҳа, жигарим, кел, ўйнаймизми? – деди йигит соф ўзбек тилида.

– Э, сиз ўзбекчани биласизми? – деди Бердимурод ҳайрон бўлиб.

– Ахир ўзбекман-ку. Қани ўйинни бошладикми? – деди муғомбирона кулимсираб.

Пули йўқлиги эсига тушиб, Бердимурод мулзам тортиб, ерга қаради. Унинг кўнглидагини уққан "ўйинчи":

– Аҳа, червондан йўқмиди? – деди. – Майли, бу сафар мендан. Кейингисида сен тўлайсан, яхшими?

Хурсанд бўлиб кетган Бердимурод йигитнинг ёнига ўтирди.

Ўйин бошланди...

"Сахий" йигит тахи бузилмаган бир пачка пул чиқариб, ўртага қўйди. Бердимуроднинг кўзлари ўйнаб кетди. "Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур" деган доно ўгитни шўрлик бола билганида эди, жуфтакни ростлаб қолган бўларди.

Бир маҳал корейс йигит:

– Хўш, жиян, қорин ҳам пиёзнинг пўсти бўлиб кетди-ку, юр, бир тамадди қилиб олайлик – деб ўрнидан турди.

Мактабнинг орқа томонига ўтганларидан кейин қамга зарб билан теп" дея ўргатарди. Бердимурод бу машаққатли машқлар унга нима учун кераклигини тушунмай, болаларча завқ билан астойдил берилиб машқ қиларди.

Бу машқлар бесамар кетмади. У тезда ҳақиқий босқинчи каби пичоқ ишлатишнинг ҳаддини олди. Энди буни амалда қўллаш зарур. Бунинг учун ўлжа керак. Хайрият, ўлжа ҳам узоқ куттирмади. Ана, ўз оёғи билан келаяпти.

– Ҳозир сенинг жанговар маҳоратингни синаб

йигит чўнтагидан тугмачали пичоқча чиқариб, шарақлатиб очиб-ёпди. Бердимурод ҳайрат билан тикилди. Буни сезган йигит:

– Ма, сен ҳам ўрган, – деб пичоқни узатди.

Бердимурод йигитга тақлид қилиб, бир неча бор пичоқни шарақлатиб очиб-ёпди.

– О, қойил, сен қизил танли ҳақиқий жангчи ҳиндусан, – деди йигит. – Қани ханжар билан менга ҳужум қил-чи?

Бердимурод нима қилишини билмай, довдираб қолди. Шунда йигит "Қани пичоқни менга бер. Мана бундай қилиб: "чўнтагингда борини чиқар, мараз" дейсан" деди-ю, илон каби вишиллаб, ёқасига чанг солиб, бўғзига пичоқ тираганида, Бердимурод қўрқувдан додлаб юборай деди.

– Қўрқма, жиян, энди сенинг навбатинг, – деди йигит ва пичоқни узатди. Бу ҳолат бир неча бор такрорланди. Ҳар гал Бердимурод пичоқ тираганида йигит чўнтагида бор пуллари, телефони, сигарети, ҳатто, зажигалкасини ҳам чиқариб бериб: "Ана энди "йўқол бу ердан" деб ор-

кўрамиз, – деди "устоз". – Анави болани қўрқитасан. Чўнтагидаги нарсаларни чиқариб берганидан кейин орқасига тепасан. Уни сўна чаққан бузоқдек қочишини томоша қиламиз.

Шўрлик Бердимурод буни ўйин деб билди. Пичоқ ажал эканини, ажал билан эса ўйнашиш мумкин эмаслигини билганида эди...

Юзига зарб билан муштушиб, бўйнига ўткир тиғли пичоқ қадалган бола бечоранинг кўзлари косасидан чиқар ҳолатда қўрқиб, чўнтагидаги минг сўм пули, телефонини чиқариб берди.

– Йўқол, бу ердан!

Юмшоқ жойига тепки тушган бола қутулганига шукр қилиб, олди-ортига қарамай қочиб қолди.

... Қилган иши жиноят, жиноятга эса, жазо муқаррарлигидан бехабар Бердимурод тирмизак боланинг ортидан масхаралаб, ўз мардлигидан мағрурланиб, хохолаб кулар эди.

Телефоннинг пулига шинамгина кафеда ўтириб, қовурилган жўжа оёғини зўр иштаҳа билан чайнаётганида:

– Агар эҳтиёт бўлмасанг, бу суяк томоғингга тиқилиб қолиши мумкин, – деди "устоз"и.

– Нега? Нима учун? – деди Бердимурод.

– Босқинчилик учун жуда оғир жазо берилади. Мабодо қўлга тушсанг, мени сотмайсан. Акс ҳолда ўласан, тушундингми? – деди совуқ кўзларини ўқдек қадаб.

Қилган иши ўйин эмас, балки жиноят, шериги эса ашаддий жиноятчи эканлигини энди англаган Бердимуроднинг иштаҳаси хиппа бўғилиб, товонигача музлаб кетди.

– Эртага шунақа пайтда яна компьютерхонада учрашамиз, – деди "устози" ўрнидан туриб.

– Мен... мен... – дудуқланди Бердимурод.

– Ҳа, эртага ўйинга пул тикиш сенинг галинг. Ҳозирча бор, дамингни ол, – деб елкасидан итариб юборди.

... Содир этилган босқинчилик юзасидан тезкор қидирув гуруҳи иш бошлади. Жиноятчилардан бири 30 ёшлар атрофидаги корейсларга ўхшаш киши, иккинчиси 15-16 ёшли ўспирин, Хоразм шевасида гапиради.

Ўргимчак тўрига илинганини ҳис этган Бердимурод энди қандай бўлмасин, қутулиш чорасини изларди. Тун бўйи мижжа қоқмай, тўлғониб чикди. Ягона чора бу ердан тезроқ кетиш эди. Бироқ, бунга улгурмади. Эртаси куни компьютер хонага бораётганида бир нотаниш киши:

– Ҳа, ука, сен шу ерда яшайсанми? – деб сўради. Жавобини эшитгач:

– Хоразмликмисан? – деб билагидан ушлади.

Бердимурод ҳаммасини тан олди. Бирор сўзни ҳам яширмай, айтиб берди.

Зум ўтмай, "устози" қўлига ҳам кишан солиб, оёғини ерга теккизмай олиб келдилар.

Тергов, суд жараёнлари узоқ давом этди. Йигит корейс миллатига мансуб бўлиб, олдин ҳам судланган экан. Тергов давомида унинг бошқа кирдикорлари юзага қалқиб чиқди. Олмалиқ шаҳар судининг ҳукми билан унга узоқ муддатли қамоқ жазоси тайинланди. Бердимурод эса, балоғат ёшига етмаганлиги, ўз айбига рўйрост иқрор бўлиб, жиноятнинг очилишига ёрдам берганлиги ва Мустақиллик байрами муносабати билан эълон қилинган амнистия туфайли суд залидан озод этилди.

Шавқиддин САМИЕВ.

"ARXITEKTOR FAYZULLAEVNING SHAXSIY IJODIY USTAXONASI" (ИНН 201924354, ОКОНХ 66000) хусусий фирмаси "ARXITEKTOR FAYZULLAEVNING SHAXSIY IJODIY USTAXONASI" МЧЖга айлантирилаётганлигини маълум қилади.

Даъво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой мобайнида қуйидаги Тошкент шаҳри, Олмазор (С. Раҳимов) тумани, Олимпия мавзеси, 12-уй, 33-хонадон манзилида қабул қилинади.

"SARO TIS-BIZNES" хусусий корхонаси устав фондини 23 500 480 (йигирма уч миллион беш юз минг тўрт юз саксон) сўмдан кадастр рўйхатидан ўтган ТА 0768076 гувоҳномали, 7 713 208 (етти миллион етти юз ўн уч минг икки юз саккиз) сўмлик ва ТА 0901188 гувоҳномали, 9 160 445 (тўққиз миллион бир юз олтмиш минг тўрт юз қирқ беш) сўмлик биноларни чиқарилиши ҳисобига устав фонди камайганлигини маълум қилади.

Тошкент вилояти Зангиота тумани ТСРЎИ томонидан 2008 йил 29 августда № 2361 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "ZANGIOTA KAPITAL QURILISH" хусусий корхонаси (СТИР 300923385) таъсисчининг 22.02.2011 йилдаги тугатилиш тўғрисидаги қарорига асосан **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъво ва аризалар икки ой муддат ичида +99897 795-64-06 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Сергели тумани Енгил саноат касб-ҳунар коллежининг овқатланиш шаҳобчасида 2011 йилда иш юритиш учун танлов ўтказилишини маълум қилади. Тел.: 258-05-68, 258-09-12.

Тошкент Давлат политехника коллежи (аввалги Тошкент политехникум) томонидан 2001 йил 15 июнда Рысбаев Ержигит Буранбаевич номига берилган (рег. № 2221) № 440655 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Зангиота тумани ТСРЎИ томонидан 2005 йил 24 ноябрда № 747 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "ISFANDIYOR TAYORLOV SAVDO" (ИНН 205879154, ОКОНХ 81100) хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгарганлигини эълон қилади.

Олмазор (Собир Раҳимов) тумани ТСРЎИ томонидан 26.08.2010 йилда № 004553-05 реестр рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 301687814) "FOREWORD EXCLUSIVE" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "DILBAR BONU SAVDO", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Яккасарайского района г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. Бобура, 67-А, (ИНН 205001464, ОКПО 19514138), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 2 от 15.02.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 301-60-90.

Янгийўл тумани Гулбаҳор саноат касб-ҳунар коллежи томонидан 2004-2007 йилларда Даминов Дониёр Бахтиярович номига берилган (рўйхат рақами 1970), К № 718025 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный гос.ордер № 08-01/24365 от 23.03.93г. права собственности на квартиру Мавлянова Хасана Аскаровича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида таклиф этади!

Аукцион савдосига такроран Чиноз тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1) "ЛУМЗ-890-Б" русумли, д/р 12АА755 бўлган, 1989 йилда и/ч, 2513-сонли автожамланмага тегишли, "Чиноз Матлубот Инвест" МЧЖ омборида сақланаётган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 12.08.2010 й., №75. Бошланғич баҳоси – 9 330 000 сўм; 2) "Муровей" русумли, д/р йўқ, и/ч йили номаълум, "Чиноз Матлубот Инвест" МЧЖ омборида сақланаётган мотоцикл, ижро ҳужжати 26.10.2010 й., №18273/2010. Бошланғич баҳоси – 1 254 544 сўм.

Аукцион савдосига такроран Бекобод шаҳар СИБ томонидан "Бекободсавдо" омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1) "М-412 ИЭ" русумли, д/р 11G4538 бўлган, 1976 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 25.02.2010 й., №850. Бошланғич баҳоси – 663 299 сўм; 2) "Ваз-2101" русумли, д/р 11Q4625 бўлган, 1980 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 07.04.2009 й., №3276. Бошланғич баҳоси – 1 318 745 сўм; 3) "М-412" русумли, д/р Ж91-91ТШ бўлган, 1971 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 06.05.2010 й., №5446. Бошланғич баҳоси – 480 115 сўм; 4) "Иж-2715" русумли, д/р 11О9770 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 25.02.2010 й., №851. Бошланғич баҳоси – 679 857 сўм; 5) "Заз-968-М" русумли, д/р 11S1813 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 19.03.2010 й., №1618. Бошланғич баҳоси – 214 823 сўм; 6) "Уаз-452" русумли, д/р 11V9639 бўлган, 1982 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 04.08.2010 й., №7317. Бошланғич баҳоси – 583 200 сўм; 7) "Газ-24" русумли, д/р 11U7834 бўлган, 1977 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 12.01.2010 й., №14. Бошланғич баҳоси – 409 032 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 10 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган автомототранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки"нинг Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Манзилимиз: Тошкент ш., С. Раҳимов т., Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz

Утерянную далолатнома за № 1715 от 10.04.2002г., выданную Департаментом по эксплуатации зданий хокимията г. Ташкента на имя Хикматова С. Н., **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Учтепа туманидаги 283-мактаб томонидан 2007 йил 14 июнда Абдуллахўжаев Саидазим Саидикром ўғли номига берилган UN № 2887475 рақамли 9-синфни тугатганлиги тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Кадастр бошқармаси томонидан 2009 йил 9 сентябрда нотариал идорага тақдим этиш учун Ризкиев Уткур Урманович номига берилган форма № 18 маълумотномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-240. Адади 15953. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 1234